

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта  
махсус таълим вазирлиги  
Бухоро давлат университети**



**Тил, адабиёт, таржима, адабий танқидчилик халқаро  
илмий форуми: замонавий ёндашувлар ва  
истиқболлар**

**мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуман  
материаллари  
ТЎПЛАМИ**

**Бухоро - 2021**

**«Тил, адабиёт, таржима, адабий танқидчилик халқаро илмий форуми: замонавий ёндашувлар ва истиқболлар» халқаро илмий-амалий анжумани материаллари. Бухоро – 2021. – 666 бет**

**Масъул муҳаррирлар:**

**Менглиев Бахтиёр Ражабович** – филология фанлари доктори, профессор

**Жўраева Малоҳат Муҳаммадовна** – филология фанлари доктори, доцент

**Таҳрир хайъати:**

О.М.Файзуллаев, М.Б.Аҳмедова, Н.Б. Атабоев, Ж.И.Мизрабова,  
З.Т.Сафарова, З.Р.Собирова, З.Ғ.Рўзимуродова, У.С.Тоирова

**Тақризчилар:**

**Бақоева Муҳаббат Қаюмовна** – ф.ф.д., профессор

**Қаршибаева Улжан Давировна** – ф.ф.д., профессор

Мақолаларни тўпловчи ва нашрга тайёрловчи Инглиз адабиётшунослиги кафедраси доценти, ф.ф.ф.д. М.Б.Аҳмедова

Ушбу тўпламда жамланган мақолалар хорижий тилларни ўқитишнинг замонавий ёндашувлари ва истиқболлари, корпус лингвистикаси масалалари, медиалингвистика ва лингвистик тадқиқотлар, қиёсий адабиётшуносликнинг долзарб муаммолари, Ўзбекистонда таржима мактаби яратиш ва уни ривожлантиришда инновацион ғоя ва технологияларни қўллаш масалалари доирасида мутахассисларнинг тажриба ва фикр алмашинувини таъминлашга хизмат қилади.

*Ҳавола этилаётган мақолаларнинг савияси ва мазмуни учун муаллифларнинг ўзлари масъул ва жавобгардир.*

## МЕТАФОРА ЛИСОНИЙ ТИЛ ҲОДИСАСИ ҲАМДА ТАСВИРИЙ ВОСИТА СИФАТИДА

Хайруллаева Нодира Нейматиллоевна  
БухДу 1- курс таянч докторонти

*Тил -миллатнинг қалби. Уни асраб авайлаш ҳар бир кишининг инсоний бурчидир. Тил қудратли қурол, моҳирона фойдаланилса, у мўъжизалар яратади.*

Ғафур Ғулом

Тил миллатнинг қалби бўлиб, у ўзгарувчан, доимий ҳаракатдаги ҳодисадир. Тилнинг ўзгариши нутқ жараёнида, қўлланилишда, прагматик сифатида намоён бўлади. Кейинги йилларда тилшуносликда бадиий тасвир воситалари гуллаб яшнади. Тил катта –кичиклиги, эски –янгилигидан қатъий назар ҳар қандай миллат ўзлигининг мустаҳкам кўрғонидир. Миллий ўзига хослик кўпроқ тилда намоён бўлади. Тил мустақиллиги халқимиз онг – шуурини янги ўзанга солиб юборди. Тасвирий воситаларнинг вужудга келиши эса тилнинг прагматик хусусиятларидан бирига айланди. Шулардан бири метафорадир. Метафора барча нутқ услубларида энг кўп учрайдиган функционал-семантик ҳодисалардан биридир. Метафорик қўлланишларнинг когнитив аспектига эътибор қаратар эканмиз, аслида у бир объектни бошқа бир объект хусусиятлари призмаси асосида кўришни ифодалайди. Инсоннинг когниция жараёнида бевосита кузатишда берилмаган тафаккур муҳити метафора асосида содда ва тушунарли тус олади. Метафоризация манбадан (масалан, *олов*) мўлжалга (масалан, *севги*) йўналган жараён сифатида тушунилиши лозим. Мўлжал билан қиёслганда манба, одатда:

- ҳиссий тушунарли;
- муайян;
- физик мавжудликка эга;
- бир кишидан иккинчисига осонгина етказиб берилиши (масалан, “севги” тушунчасига нисбатан “олов” тушунчасини бошқага осонгина етказиб бериш мумкин) билан характерланади.

Умуман олганда, метафора номаълум-маълум, мавҳум-аниқ зидлиги орасида кўприк вазифасини бажаради.

Нутқнинг бирор парчасини ҳам метафорадан холи кўриш ва тасаввур қилиш ўта мушкул. Тилшуносликка метафора терминини мерос қилиб қолдирган воизликда ҳам у образли нутқ ифодалашнинг ўта муҳим ва самарали воситаси бўлиб, юксак даражадаги эстетик қиймати билан ажралиб турган.

Метафора тушунчаси ҳам лисоний, ҳам метатил унсури сифатида антик давр манбаларида учрайди. Ўз илмий ишларида метафора ҳодисасини тадқиқ этган биринчи олим қадимги юнон файласуфи Арасту эди. *Метафора* термини илк бора Сократнинг “Эвагорус” (эрамиздан аввалги 383 йилда яратилган) асарида тилга олинса-да, унинг асоси Арастунинг “Поэтика”сида маънонинг, замонавий терминологик метатил билан айтиладиган бўлса, аталмишлардаги денотатив ва коннотатив ўхшашликлар асосида берилиши сифатида кўрсатилган. Деярли тилнинг ўзи каби қадимий бўлган бу ҳодиса XX асрга келиб эса ифода, муомала ва

англаш воситаси сифатида фойдаланиладиган нутқий санъат воситаси, тил ва бадиият илмида феноменал категорияга айланди.

Ж.Серл метафора вербал зиддият сабабли, бошқача айтганда, икки маъновий бирликнинг тўқнашиши туфайли келиб чиққанлигини таъкидлайди. М.Блек эса биринчилардан бўлиб “метафора ўхшашликни акс эттирмайди, балки вужудга келтиради” деган фикрни илгари сурди. Кўплаб олимлар М.Блек изидан бориб семантик алоқадорлик назарияси устида ишлай бошладилар. Шу билан бирга улар метафора ўхшашликни тафсифламайди, балки очади, ҳеч кимнинг ҳаёлига келмаган ўхшашликларни юзага чиқаради деган фикрни ҳам илгари суришади.

Қиёсий концепция метафорани яратишнинг санокли услубларини ёритиб, *метафора* атамасини ҳам баъзи ҳолатлардагина қўллаш билан чекланади. Шу боисдан бу назария тарафдорлари метафорага тилнинг бир воситаси, сўзлар ўрнининг алмашиши ёки контекстуал силжиш сифатидагина қарайдилар, холос. Аслида метафорада акс этган нисбатли маънолар замирида ғояларнинг боғлиқлиги ётади. Метафорик маънонинг ўзиёқ қиёслашдан пайдо бўлади ва шундан тилда метафора вужудга келган.

Метафора объектив борлиқдаги ҳодисаларни англашда бадиий образ ва окказионал маъноларни ишга солади. У когнитив, ифодавий, бадиий ва семантик вазифаларни бажаради. Х.Ортеги-и-Гассетнинг сўзларига кўра “метафора – тафаккурнинг бебаҳо қуроли, илмий тафаккур шакли... метафора – бу исмнинг кўчишидир.”

Метафора шаклланиши ва таҳлилида тўрт унсур иштирок этади:

- а) икки объект;
- б) объектга муносабат;
- в) лисоний компетенция;
- г) лисоний билим.

Метафора бир синфга тегишли бир-бири билан муносабатга киришаётган икки объектнинг белгиларини ўзида акс эттиради, уларни бошқа синфга мансуб ҳодиса – ифоданинг фаол субъектига, яъни сўзловчи шахсга боғлайди. Бу учлик, аввало, когнитив “бурчак” ҳосил қилади. Масалан, одамни *тулки* деб аташганда, бир объектга иккинчи бир объектдаги зотий белги – айёрлик сифатини нисбат берадилар ва бунда субъектнинг ушбу дискурсив фаолиятида унинг когнитив имконияти, яъни ушбу синфга мансуб ҳайвонларнинг ўз изларини йўқотишлари ҳақидаги билимлари боғланади. *Одам одамга бўри* мақолига эса йиртқичлар орасида фақат бўрининг ўз ўлжасига ейиш учун эмас, балки, аввало, ўлдириш мақсадида ташланиши ҳақидаги билим когнитив пойдевор вазифасини бажарган.

Ж.Лакофф метафорология назариясини ривожлантириб ва янги сифат босиқчига кўтариб, жуда кўплаб анъанавий талқинларга ўз эътирозини билдирди. Улардан айримлари сифатида қуйидагиларни кўриш мумкин:

- 1) ҳар қандай предмет ёки ҳодисани тўғридан-тўғри, метафорасиз тушуниш мумкин;
- 2) метафора энг кўп тарқалган соҳа шеъриятдир;
- 3) метафора – фақат лисоний ифодадир;

4) метафорик ифодалар моҳиятан ёлғонлардир. Ҳақиқий тил метафорасиз, “тўғри” тилдир.

Ж.Лакофф ва М.Жонсон оддий, жонли нутқдан олинган мисоллар асосида фикрларини далиллаб, қуйидаги хулосаларга келишади:

- метафора бизга мавҳум тушунчаларни англашга ва улар устида мулоҳаза юритишга ёрдам берадиган муҳим механизмдир;
- метафора табиатан лисоний эмас, балки концептуал ҳодисадир;
- метафорик маъно нометафорик маънога таянади;
- одатланилган концептуал метафоралар англомайди, балки автоматик равишда, сезиларсиз қўлланади;
- метафора мантиқдан кўра кўпроқ тажрибаларга суянади. Тажрибалар мантикий ёндашувнинг асосидир;
- метафорик тизим лексиконда ҳам, тил грамматикасида ҳам мавжуд;
- назмий метафора умум метафорик тафаккурнинг кенгайиши ва индивидуаллашуви маҳсулидир.

Лингвокогнитив нуқтаи назардан, метафора нафақат лисоний воситалар ёрдамида, балки имо-ишора, шунингдек, урф-одатлар, расм-русумлар воситасида ҳам ҳосил қилинади. Шу боисдан, метафорани тадқиқ қилиш кейинги вақтларда тилшунослик доирасидан чиқиб, маданий аспект билан боғлиқ соҳаларда ҳам кенгаймоқда.

Замонавий когнитив тилшунослик метафорани нутқни безаш, тушунарли қилиш воситаси бўлган троп деган ақидалардан воз кечиб, уни бутун бошли тафаккур шакли сифатида эътироф этмоқда. Коммуникатив тилшунослик эса метафорага ақл, ҳис ва иродага таъсир қилувчи муҳим таъсир қуроли сифатида муносабатда бўлмоқда. Когнитив нуқтаи назардан метафорик образлар ментал жараёнларни, миллий, гуруҳий ва шахсий ўзини-ўзи англаш фаолиятини тадқиқ қилиш усулидир. Айнан шу ҳодисалар метафорологиядан когнитив лнгвистиканинг ўзи учун “ажратиб олаётган” ўрганиш предмети дир.

Когнитив метафораларда борлиқни англаш ёки тушунтиришнинг универсал схемалари мужассамлашган бўлади. Уни, таъбир жоиз бўлса, янги билим ҳосил қилишнинг муҳим воситаларидан бири сифатида қарамоқ лозим. Ж.Лакофф фикрича, метафорани тажрибани тушунишга жалб қилиш инсон тафаккурининг энг устувор усулларида биридир. Ақлий тафаккур маълум маънода метафорик моделларга таянади. Идрокка интилган тафаккур сезгиларга таянади, ҳислар эса метафорик фикрлашга олиб келади.

Фойдаланилган аабиётлар :

1. Античные теории языка и стиля. – М. – Л., 1936. – С. 217.
2. Аристотель. Поэтика. – М., 1984.
3. Шерль Дж. Метафора // Теория метафоры. – М., 1990.
4. Блэк М. Метафора // Теория метафоры. – М., 1990.
5. Лингвистический энциклопедический словарь. – М., 1986.
6. Лакофф Д., Джонсон М. Метафоры, которыми мы живем // Теория метафоры. – М., 1990.

## МУНДАРИЖА

Зарипов Б.К. Тил – маънавият кўзгуси .....	3
Хамидов О.Х. Тил – миллат руҳи: тилга оид анжуманларнинг ўрни ва аҳамияти ..	4
Ҳамраев М.М.....	7
Ибрагимова Ф.Б. Учинчи ренессансга кўйилаётган қадамлар илм-фан ютуқлари тимсолида.....	8
Ашуров Шерзод Рахимович ЖАМИЯТ РИВОЖИДА ИҚТИСОД ВА МАЪНАВИЯТНИНГ ЎРНИ .....	13
Қахҳоров О.С. Чет тилларини янада мукаммал ўрганиш устувор йўналишдир.....	14
<b>І ШЎЪБА. ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ЎҚИТИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ. КОРПУС ЛИНГВИСТИКАСИ МАСАЛАЛАРИ. МЕДИАЛИНГВИСТИКА ВА ЛИНГВИСТИК ТАДҚИҚОТЛАР.....</b>	<b>16</b>
Жўраева М.М. Тилшуносликда модаллик категориясининг функционал-семантик тадқиқи.....	21
Тешабаева Дилфуза Муминовна. Медиалингвистика: медиаматн яратилишида прагматик ёндошув .....	21
Б.Я.Ахмедов. Об изучении глагольных словосочетаний в узбекской школе.....	25
Акмал Шерназаров. Икки тиллилик – Қашқадарё тожик фольклорининг локал белгиларидан бири .....	29
Атабоев Нозимжон. Корпус лингвистикасининг фанлараро мақомига илмий назар...32	
Эрмирзаев Аббос Вахобжонович. Юқори синфлар ўқувчиларига инглиз тили дарсларида матн ўқишни ўргатишнинг мақсад ва вазифалари .....	36
Ҳайдаров Анвар Аскарлович. График воситаларда коннотатив маънонинг ифодаланиши .....	39
Akhmedova Dildora Bakhodirovna, Hamidova Iroda Olimovna. Common and different aspects in a set of commentaries in dictionaries and semantic tags.....	42
Джураева Зулхумор Раджабовна. Партитивные фитонимы в пословичном фонде русского языка .....	45
Шаҳодат Усмонова. Медиаматнда антистандарт ва антиэкспрессивлик формуласи: дискурсив таҳлил.....	49
Исмаилова Лайло Хондамировна. Туристтик рекламанинг прагматик жиҳатдан таҳлилий хусусиятларига доир .....	53
Zubaydullo I. Rasulov. Approaches to the Study of Language and the Implications for Teaching a Second Language and Teaching Literacy.....	58
Заррина Сафармахматова. Паремиология медиа тилининг таъсирчанлигини оширувчи восита сифатида .....	61
Husniya Zikrillayeva, Duvlaeva Nozigul. Arab va o'zbek tilida sanoq sonlar va ularning sanalmish bilan sintaktik munosabati va atamalarning tarjiması.....	64
Ashurova Dilyaram Umarovna, Duvlaeva Nozigul Imagery allusion as a cognitive structure representing knowledge structures.....	66

Tukhtakhodjayeva Zulfiya Toxtaevna, Jabborova Gulhayo Fakhriddinovna. Methodological description of phraseological units .....	70
Хайдаров Анвар Аскарлович, Абдурахмонова Сидика Бахтиёровна. Перифразаларнинг узига хос хусусиятлари .....	74
Rakhmatova Mekhriniso Muhsinovna, Usmonov Amon Aminovich. THE IMPORTANCE OF CORPUS LINGUISTICS IN ENGLISH LANGUAGE TEACHING AND FOREIGN LANGUAGE ACQUISITION .....	77
Muminova Durdona Shukhratovna. THE IMPORTANCE OF INTERCULTURAL COMMUNICATION IN TEACHING FOREIGN LANGUAGES .....	80
Safarova Xurshida Salimovna. FRANSUZ TILIDAN INGLIZ TILIGA O'ZLASHGAN SO'ZLARNING LEKSIK-SEMANTIK XUSUSIYATLARI.....	83
Azimova Muhayyo Pulatjonovna, Abdullayeva Shohida Norqulovna. METALLURGIYA SOHASI TERMINLARINING FAN SIFATIDA O'RNI VA ANAMIYATI.....	85
Хайруллаева Нодира Ньматиллоевна. МЕТАФОРА ЛИСОНИЙ ТИЛ ҲОДИСАСИ ҲАМДА ТАСВИРИЙ ВОСИТА СИФАТИДА.....	88
Вохидова Ситорабону Хурматуллоевна. ЗНАЧЕНИЕ И РОЛЬ РОДСТВЕННЫХ ЯЗЫКОВ В ОБУЧЕНИИ АНГЛИЙСКОМУ ЯЗЫКУ .....	91
Zarnigor Sobirova Rakhimovna. VOCABULARY STUDY OF THE TOURISM TERMS IN THE UZBEK LANGUAGE.....	94
Muqimova Gulnora Rashidovna. FITOMORFLARNING STRUKTUR XUSUSIYATLARI.....	100
Zarnigor Sobirova Rakhimovna. STUDY OF THE TERMS OF TOURISM IN ENGLISH ON LEXICAL-SEMANTIC ASPECTS .....	103
Sayidova Gulrux Yoqubovna. O'ZBEK TILSHUNOSLIGIDA TIL KORPUSIGA BO'LGAN TALAB VA EHTIYOJ .....	110
Муродова Дилдора Арабовна. ЦВЕТОВАЯ ЛЕКСИКА В РУССКОМ ЯЗЫКОЗНАНИИ.....	115
Наврүзова Нигина Хамидовна. УРҒУНИНГ СЕМАНТИК -ГРАММАТИК ВА УСЛУБИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ .....	118
Sharipova Dilnoza Shavkatovna, Bobokalonov Rajab Ostonovich, Tasheva Gulmira Isroilovna. LINGUOCULTUROLOGICAL ANALYSIS OF IMAGES-SYMBOLS OF LITERARY TEXT .....	120
Abdullaeva Maftuna Adizovna. MODERN LINGUISTIC METHODS IN ENGLISH TEACHING PROCESS .....	122
Азимова Зебинисо Юсуповна. Проблема разграничения синонимии и вариантности русских пословиц .....	125
Бабаев Махмуд Ташпулатович, Бабаева Васи́ла Ташпулатовна. НЕМИС ТИЛИНИ ЎРГАТИШДА МАКОЛ, МАТАЛ ВА ИБОРАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ .....	128
Курбанова Дильбар, Туйлиева Лола Абдуллаевна. Заимствования из восточных языков в русском языке .....	131
Narzulloeva Lobar. Metafora lingvistik metaforologiyaning obykti sifatida .....	134
Насиба Абдуллаева Орзүевна. АНТРОПОНИМ В АНГЛИЙСКОМ ЯЗЫКЕ ....	137